



2020 у « 23 » апрель

№ Қ-189

« ___ » _____ 20__ г

**Термиз тумани “Нурафшон” маҳалласи
худудидан “Жануб Покиза Дон” МЧЖга
“Ун ишлаб чиқариш заводи биноси”ни
қуриши учун ер майдони ажратиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 14 апрелдаги 03-02/204-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 09 мартдаги 30/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 14 апрелдаги 03-02/204-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Нурафшон” маҳалласи худудидан “Жануб Покиза Дон” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 3-дала контуридаги 2,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони “Ун ишлаб чиқариш заводи биноси”ни қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонқулов ва А.Ориповлар зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов